

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan

№78 (6.603). Soluvda erkin narxda

## BUGUNGI SONDA

МУАММОСИ КЎ-Ў-ЎТ ТУМАН



ХАРИД ИМКОНИАТИ КЕНГАЙДИ (1-3 саҳифаларда)

“ОНИКС”НИНГ СИФАТЛИ МАХСУЛОТЛАРИ (1-3-саҳифаларда)

## ЎЗБЕКИСТОН-ЭРОН: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Эрон ўзининг иқтисодий салоҳияти, табиий захиралари билан Яқин ва Урта Шарқ минтақаларида алоҳида ўрин тутадиган давлатдир. Жумладан, энергетика захиралари бўйича у дунёдаги «катта ўлик»ка кирди.



### 17-18 ИЮН КУНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛДИ.

Эронга ташрифдан қўланган мақсад мавжуд алоқаларга баҳо бериш, ҳамкорликнинг натижаларини сарҳисоб қилиш, мавжуд муаммоларга ечим топиш ва шу орқали муносабатлар кўламини янада кенгайтиришга йўл очилган иборат эди.

17 июн куни Эрон Президентининг «Жумҳурия» қароргоҳида бўлиб ўтган музокаралар шу мақсадлардан келиб чиқувчи масалаларга қаратилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон-Эрон муносабатлари ўзаро тенглик, ҳурмат ва ишонч тамойиллари асосида жадал ривожланмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасида олий даражадаги ташрифлар, ҳукумат делегацияларининг музокара-ларни уюштиришди. 2000 йилнинг июнида Ўзбекистон Президенти Теймурғали Юсупов Эрон раҳбари Хасан Рухсанини қўли билан ташриф буюрди, ўтган йилнинг апрелида эса Эрон раҳбари Тошкентга келди. Бу воқеалар муносабатларимиз тарихида янги саҳифалар очилганига ҳизмат қилди, албатта. Мамлакатларимиз икки томонлама манфаат асосидаги узок муддатли ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаб бормоқда.

Хозирги кунда икки давлат минтақавий хавфсизлик, наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси ва уюшган жиноatchиликка қарши курашда фаол ҳамкорлик қилиб келяпти.

Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги муносабатларнинг энг муҳим қисмини транспорт коммуникациялари ташкил этади. Томонлар бу борада мунтазам мулоқотларни йўлга қўйган. 1996 йили Ўзбекистон Эрон ҳудуди орқали 34 минг тонна транзит юк олиб ўтган бўлса, 2002 йили бу борадаги кўрсаткич 500 минг тоннага етди. 2001 йили Ўзбекистон ҳудуди орқали Эроннинг 750 минг тонна юк ташилди. Савдо-сотиқ кўлами ҳам шундай суръатда ошмоқда. 2002 йили у 1998 йилга нисбатан 4 баробар ошди, 260 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Мамлакатларимиз банк-молия соҳасида ҳам фаол ҳамкорлик қилиб келади. Техрондаги музокараларда Эрон раҳбари ўз мамлакатини икки томонлама алоқаларни

кенгайтиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади. Ислам Каримовнинг ушбу ташрифи ҳамкорликни янада ривожлантириш, уни ҳар томонлама бойитиш учун пухта замин яратишига ишонч билдирди. Музокаралар якуни ушбу ишонч ҳамда Ўзбекистон ва Эронда ўзаро муносабатларни ривожлантиришга интилиш кучли эканлигини тасдиқлади. Президентлар музокара якунлари юзасидан қўша баёнот имзоладди. 2000 йили имзоланган экстрадидия тўғрисидаги битим бўйича ратификация ёрликлари алмашилди.

Транспорт коммуникациялари иқтисодиётининг асосий бўлигидан бири саналади. Ўзбекистон учун денгиз йўлларида чиқиш имконияти чекланган муайян қийинчиликлар тудираётгани сир эмас. Тўғри, Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек, шимолий йўналишда коммуникация тармоқлари мавжуд. Лекин мамлакат нигоҳини фақат бир томонга қаратиш ҳам унчалик тўғри бўлмайди.

Шу сабабли ҳам Ислам Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон, Афғонистон, Эрон ҳамда Ислам тараққиёт банки ва Осие тараққиёт банки иштирокида трансфтон йўлагини очиб лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. У Термиздан бошланиб, Афғонистоннинг Мозори Ша-

риф ва Хирот шаҳарлари орқали Эрон ҳудудига туташади. Эрондаги мавжуд коммуникация тизимлари эса Бандар Аббос ҳамда Чорбаҳор бандаргоҳларига етиб олиш имконини беради. Бу билан Марказий Осиедан Форс кўрғазига, океанга туташиб Чорбаҳор бандаргоҳларига келиш учун янги, арзон ва қулай йўл очилади.

Ушбу масала ташрифнинг иккинчи кунинида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов, Эрон Президенти Муҳаммад Хатами ва Афғонистон Утиш ҳукумати раиси Ҳамид Карзай иштирокида бўлган уч томонлама унрашувнинг асосий мазмуни бўлди.

Эрон ва Афғонистон раҳбарлари Ислам Каримовнинг мазкур ташаббусини тарихий воқеа сифатида баҳолади. Эро, йўл қурилиш ва нафакат мазкур уч мамлакат, балки уларга қўшни давлатлар билан ҳам муносабатларни янада кенгайтиришга имкон беради.

Музокаралар якунида Ислам Каримов, Муҳаммад Хатами ва Ҳамид Карзай ушбу масалаларни қамраган Халқаро транспорт йўналишлари тўғрисидаги битимга имзо чекиди. Президент Ислам Каримов ташбири билан айтганда, уч давлат раҳбари мазкур лойиҳага оқ фотиҳа берди.

Ўзбекистон раҳбари Ислам тараққиёт банки (ИТБ) президенти Аҳмад Муҳаммад Али Ал-Мадаһий билан ҳам учрашди. Сўхбат давомида халқаро коммуникация тармоқларини ривожлантиришда ИТБ билан ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, томонлар мазкур банк билан Ўзбекистон молия ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масаласини муҳокама этди.

Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ҳамда Афғонистон Утиш ҳукумати раиси Ҳамид Карзай иштирокида икки мамлакат делегацияларининг музо-

каралари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон-Афғонистон муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш, мамлакатимиз томонидан қўшни ўлкага ёрдамни қўлайитириш, тикланиш ишларидаги иштирокимизни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ташриф арафасида Ислам Каримов журналистлар билан сўхбатда улуғ ширимиз Алишер Навоийнинг Хиротдаги қабрини ободонлаштириш масаласига ҳам тўхталган эди. Техрондаги музокарада бу мазму яна бир бор тилга олинди. Афғонистон бу борада Ўзбекистонга ҳам томонлама шароит яратишга тайёр эканлигини яълулм қилди.

Шу билан Президент Ислам Каримовнинг Эронга расмий ташрифини ниҳоясига етди. Эрон матбуоти бу ташрифга алоҳида қизиқиш билан ёндошганини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Эро, Ислам Каримовнинг Техрон сафари нафакат Ўзбекистон-Эрон муносабатлари, балки минтақавий интеграция ривожини учун янги имкониятлар эшигини очди. «Иран ньюс» газетаси қўндаги гиларни ёзади: «Шубҳа йўқки, жаноб Ислам Каримовнинг ташрифи Ўзбекистон-Эрон муносабатларини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқади ва ҳамкорликнинг янги уфқларини очиб беради».

Ҳа, манфаатлар уйғун, яқдиллик мавжуд. Демак, ҳамкорлик янада раванқ топиши учун мустаҳкам замин яратилди. Бу ҳамкорлик ўз самарасини беришига барча асослар етарли.

Анвар БОБОЕВ, ЎЗА махсус мухбири. Тошкент-Техрон-Тошкент. СУРАТДА: ташриф пайтидан лавҳа. А.ТУРАЕВ олган сурат.

Халқ манфаатларининг қўриқчилари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон-Афғонистон муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш, мамлакатимиз томонидан қўшни ўлкага ёрдамни қўлайитириш, тикланиш ишларидаги иштирокимизни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ташриф арафасида Ислам Каримов журналистлар билан сўхбатда улуғ ширимиз Алишер Навоийнинг Хиротдаги қабрини ободонлаштириш масаласига ҳам тўхталган эди. Техрондаги музокарада бу мазму яна бир бор тилга олинди. Афғонистон бу борада Ўзбекистонга ҳам томонлама шароит яратишга тайёр эканлигини яълулм қилди.

Шу билан Президент Ислам Каримовнинг Эронга расмий ташрифини ниҳоясига етди. Эрон матбуоти бу ташрифга алоҳида қизиқиш билан ёндошганини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Эро, Ислам Каримовнинг Техрон сафари нафакат Ўзбекистон-Эрон муносабатлари, балки минтақавий интеграция ривожини учун янги имкониятлар эшигини очди. «Иран ньюс» газетаси қўндаги гиларни ёзади: «Шубҳа йўқки, жаноб Ислам Каримовнинг ташрифи Ўзбекистон-Эрон муносабатларини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқади ва ҳамкорликнинг янги уфқларини очиб беради».

Ҳа, манфаатлар уйғун, яқдиллик мавжуд. Демак, ҳамкорлик янада раванқ топиши учун мустаҳкам замин яратилди. Бу ҳамкорлик ўз самарасини беришига барча асослар етарли.

Анвар БОБОЕВ, ЎЗА махсус мухбири. Тошкент-Техрон-Тошкент. СУРАТДА: ташриф пайтидан лавҳа. А.ТУРАЕВ олган сурат.

Халқ манфаатларининг қўриқчилари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон-Афғонистон муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш, мамлакатимиз томонидан қўшни ўлкага ёрдамни қўлайитириш, тикланиш ишларидаги иштирокимизни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ташриф арафасида Ислам Каримов журналистлар билан сўхбатда улуғ ширимиз Алишер Навоийнинг Хиротдаги қабрини ободонлаштириш масаласига ҳам тўхталган эди. Техрондаги музокарада бу мазму яна бир бор тилга олинди. Афғонистон бу борада Ўзбекистонга ҳам томонлама шароит яратишга тайёр эканлигини яълулм қилди.

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси, Марказий банк ва «Банк ахборотномаси» газетаси ташрифини билан ҳамкорликда ташкил этилган давра сўхбати бўлиб ўтди. Унда «Банк сирини тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг асосий қондалари ва банклар мижозлари манфаатларини муҳофаза қилиш стратегиясини ишлаб чиқишга оид долзарб масалалар муҳокама этилди.

ни олиш учун керакли асослар белгиланган. Таъкидландики, ушбу қонун Швейцария, Канада, Германия ва бошқа хорижий мамлакатлар тақрибаси ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. Унинг қабул қилиниши «Банк сирини» тоифасига тегишли ахборотни олиш, муҳофаза қилиш ва саклаш бўйича банклар, уларнинг мижозлари ва унинг шакслар ўртасида юзга келадиган муносабатларни тартибга солиш зарурлигини таъкидлади.

Мажлисида таъкидланганидек, ушбу янги қонун лойиҳаси аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, банклар омонатларига бўлган ишончнинг мустаҳкамлаш ва республикамиз фуқаролари омонатларини ҳимоя қилиш мақсадида ишлаб чиқилган. Олий Мажлисининг Ўзбекистон Республикасининг «Банк сирини тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида чикки қарорининг иккинчи бўлимида лойиҳани умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилиш таъкид этилган.

Иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида «Банк сирини тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг биринчи ўқишда қабул қилиниши республикамиз жамоатчилигини учун муҳим воқеага айланди. Ушбу қонун лойиҳаси тадбиркорлар, банк мижозлари ва муҳофазасиз ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Бу борада оммавий ахборот воситаларида га-зетхонларнинг қўллаб-қувватлашлари эълон қилинди. Шу билан бирга, хорижий мутахассислар, халқаро ташкилотлар экспертлари ҳам янги қонун лойиҳасини катта қизиқиш уйғотди ва улар ушбу қонун лойиҳасини тақомиллаштиришга доир қўллаб-қувватлаш билдирди. Бугунги кунда ҳам қонун лойиҳаси бўйича тақлифлар келиб тушмоқда. Ушбу қонундан манфаатдор одамлар лойиҳанинг қатор муҳим қишлоқлари устида ишлаш керак, деган фикрни билдирмоқда. Шу боис тайёрланган қонун лойиҳасининг муҳим масалаларини умумхалқ муҳокамасига ҳавола этиш зарурати пайдо бўлди.

Лойиҳада банк сирини ташкил этуви маълумотларга таъриф берилган. Хусусан, янги қонун лойиҳасига қўра банк сирини мижозларнинг нафакат операциялари, ҳисоб рақамлари ва омонатлари ҳақидаги маълумотлар, балки банкнинг мижозларга қўрсатган хизмати, банкда сакланган маълумотлар, мижозларнинг тузган битимлари ҳамда амалга оширган операциялари тўғрисидаги маълумотлар ҳам киритилган. Шунингдек, бу борада мутлақо янги мейёрни жорий қилиш таъкид этилган. Унга қўра энди-ленда бошқа банк мижозлари тўғрисидаги банкларга маълум бўлган маълумотлар ҳам банк сирини ҳисобланади. Мижознинг исми шарифини ҳам банк сирини тоифасига киритиш таъкид этилган. Мазкур лойиҳада банк сирини тааллуқли маълумотларни олиш ваколатига эга шакслар ва давлат органлари, шунингдек, бундай маълумотлар-

Мажлис иштирокчилари лойиҳани тақомиллаштиришга оид муайян тақлифларни, қатор ўзгаришлар ва қўшимчаларни билдирди. Давра сўхбати иштирокчилари мажлис оқу-ларини сарҳисоб қилиб, ўз тақлифларини Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси, Марказий банкга қўриб чиқиш учун тақдим этди.

(ЎЗА)

## Андижонда Ғўза гуллади



Асака туманининг «Шарқ юлдузи» ва Олтинқўл туманидаги «Намуна» ширкат хўжалиги далаларида ғўза гуллади. Ёгин-сочилиги кунларга қарамай олиб борилган агротехник тадбирлар деҳқонларга ана шундай қувват келтирди. Бугун ушбу хўжалиқларда дала юмушлари сифатли ташкил этилган.



СУРАТЛАРДА: юқорида тилга олинган хўжалиқлар пахтакорлари ҳаётидан лавҳалар. Х.АРАББОЕВ олган суратлар.

## ЧУСТДА АЖАБ ҲАНГОМАЛАР

Туманининг айрим қишлоқларидаги стадионлар, спорт майдонлари ҳолини кўриб, маймулар ҳам йиғласалар не ажаб?!

Ишонмасангиз, «Нурафшон» ширкат хўжалигининг бир вақтлар ихлос билан қурилган, бугунда деворлари нураб битаёзган, ўтинга айланган ўриндиқларидан ном-нишон қолмай, офтоб тилга қуйиб, ивирсиб ётган стадионини бир келиб кўринг.

Хўжалик АТТАНГ Раиси Носиржон Расуллов ўтказган ширкат аъзоларининг умий мажлисида қатнашиб, қайтишимизда раис бувадан «каровисиз стадион»га бирров назар-қўзларини солиб қўйишларини маслаҳат бергандик.

...Орадан беш ой ўтди. Кунини кеча Оксаройда ўтган Болалар спортини ривожлантириш жағмафаси ҳомийлик кенгашининг мажлисини кўриб ўтириб, мухтарам президентимизнинг «ҳокимнинг раҳбарининг, энг асосий вазифаси... одамларнинг, ёшларимизнинг эртанги кунини ўйлаш, бунинг учун муносиб шарт-шароит яратиб беришдан иборат.

(Давоми 2-бетда)

## ДАВР

Бундан салкам етти йил муқаддам - 1996 йил 19 июлда Президентимиз Ислам Каримов «ЎздЭУ-авто» қўшма корхонасининг расмий очилиш маросимини сузлаган нутқида ушбу корхонанинг аҳамияти ҳақида тўхталиб: «Шубҳа йўқки, Асакада ишга тўшаётган завод ва бу заводни бутлов қисмлари билан таъминлаш мақсадида

КРЕДИТГА - МАШИНА: ҚУЛАЙ, ҲАММАБОП ВА ФОЙДАЛИ

қурилатган янги-янги йирик, ўрта ва кичик корхоналар, авваламбор, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга хизмат қилади, одамларимизнинг келажакка ишонччи мустаҳкамлайди», деб таъкидлаганди.

Дарҳақиқат, Марказий Осие минтақасида ягона энгил автомобиль заводи ҳисобланмиш бу азим корхона ишга тушгандан буён етти йиллик давр мобайнида унинг конвейерларидан барчага манзур бўлаётган 325 мингта турли русумдаги машина чиқди.

(Давоми 3-бетда)

## БИЛЛУР ҚАНДИЛЛАР КЎЗНИ ҚУВНАТАР

«Миконд» заводини кўпчилиги яхши билади. У 1948 йил ўз фаолиятини электротехника буюмлари ишлаб чиқариш билан бошлаган. Ўрта Осиеда ягона бўлган мазкур корхонада 1971 йилдан бошлаб, биллур идишлар ва турли хил ҳажмдаги ёриткич чироқлари ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилди.

Мустақиллик шарофати билан 1995 йили «Миконд» заводи негизда «ОНИКС» очик ҳиссадорлик жамияти бар- по этилди. Янги кор- хонада ўтган давр мобайнида ишлаб чиқариш ҳажми янада кенгайиб, махсулот тури кўпайди. 900 дан ортик киши иш билан таъминланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 5 сентябрдаги 342-сонли қарори корхонамиз учун айна мудоаа бўлди. 2002 йилдан бошлаб маҳаллий хом ашё асосида бир лампали «Шар» қандиллар ва Е-27 русумли электр патронларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айланма маблағлар ҳисобига 6 ва 14 комплекта қолиплар тайёрланди.

(Давоми 3-бетда)

## ИНТИЛИШ

Юртимизнинг қайси бир ҳудудига борманг, иқтисодиётни ислоҳ қилиш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги ишларга ғувҳо бўласиз. Эро, бугун давр талаби шундай.

Қорақалпоғистоннинг Кегайли туманида бўлганимизда айна шу жараёнлар ривож билан қизиқдик, қатор ишлар қилинаётганлигини кўрдик. Хусусий сек-

## ЭЗГУ НИЯТЛАР ИЖОБАТИ

торни ривожлантиришда, умуман тадбиркорликни кўтаришда банкларнинг аҳамияти катта. Чунки мустақил иш юритмоқчи мақсад қилган киши борки, аввало банкка мурожаат қилиши шубҳасиз ва албатта, банклар бу хусусда уларга имкон қадар мадад бўлиб келмоқда.

Халқ банкининг Кегайли туман бўлими мижозларига намунали хизмат қўрсатиб келмоқда.

(Давоми 3-бетда)

## НАЗОРАТ САМАРАЛИ БЎЛСИН

Қишлоқ хўжалик соҳасида фаолият қўрсатувчи тижорат ташкилотлари, корхоналар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишнинг юридик механизмлари тизимида прокурор назорати муҳим рол ўйнайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида прокуратура борган сари хўжалик юришнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан катъий назар барча корхона, муассаса, ташкилот ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган инсти- тутга айланиб ТАКЛИФ бор- моқда.

Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасига қўра «Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жаҳмият ва давлатнинг қонун билан қўриқланган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборатдир».

(Давоми 2-бетда)



«ФАЛЛАБАНК» - ХОНАОННИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН

## КЕЛГУСИ СОНДА:

БАҲОНА ОФАТДАН ЁМОН


«ДАРДИМИЗНИ КИМГА АЙТАЙЛИК?»

ОДАМИЙЛИК ЎЛМАСИН



Боши 1-бетда

2002 йил мобайнида 8,200 минг сўм қўяматда 10200 донга электр жиҳозлар (патронлар) ишлаб чиқарилиб, "Уздавстандарт"дан сифат сертификати олинди. Корхонада биллур идишларнинг 32 тури, қандил-



ларнинг 40 тури, катта ҳажмдаги қандилларнинг 28 тури ишлаб чиқарилиб, Шунингдек, электротехник керамика асси-

Уша йили юқори ташкилотлар руҳсати билан хорижда ҳам савдо қилиниб, махсуслотлар сотилмоқда. Ундан ташқари, Татаристон Республикаси ва Афғонистоннинг Мозори Шарифда ҳам "Савдо уй"лари очилди мақсадида кенг кўламли ишлар олиб боришда. Корхонамизга кириверишда махсуслотлар кўргазмаси учун музей очилиш арафасида. Хозирда капитал таъмирлаш ишлари тугай деб қолди. Келгусида харидорлар муносабатида махсуслотларимизга қараб, буюртма беришлари мумкин.



дио" қўшма корхоналари тўла қувват билан ишга туширилди. Хозирги кунда Швейцария билан биргаликда "Узгласаден" қўшма корхонаси қурилиши давом этмоқда. Усуна ва жиҳозлар Германиядан келтирилган. Биргина 2002 йилда қурилиш-монтаж ишлари учун 2 миллиондан 933 миллион сўм маблағ ажратилди.

БИЛЛУР ҚАНДИЛЛАР КЎЗНИ ҚУВНАТАР

да ишлаб чиқариладиган махсуслотлар турини кенгайтириш мақсадида Е-40 русумли керамика патрони, "Ўзбекистон темир йўллари" ва "Ўзбекнеғро" эҳтиёжлари учун юқори кучлиниш изоляторларини ишлаб чиқариш бўйича киз-гин ишлар олиб боришда. 2002 йил корхонада буюртма асосида 25 турдан ортиқ биллур қандиллар ишлаб чиқарилиб, ўз истеъмолчиларига етказиб берилди. Улар Миллий академик театр, Консерватория, Қарши шаҳар аэропорти, Ўзбекистон банклар уюшмаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Оқсарой биноси, Амир Темури музейи, Олий Мажлис биноси, Имом ал-Бухорий жоме масжиди, янги ишга туширилган метро йўналишидаги бекатларга ва йўналишдаги катта-катта шу каби иморатларга ўрнатилди.



Корхонамиз республика ҳудудида ўтказилаётган тендерларда иштирок этиб, 500 миллион сўмлик махсуслотлар ишлаб чиқаришга буюртмалар олган. Шунингдек, Новосибирскнинг "Север" корхонасида НР-1-14, Санкт-Петербургдаги "Ладога" оник хиссадорлик жамиятига СЗ-4 қаршилликлар экспорт қилинмоқда. Корхона ишчилари 2003 йил ўз олдига қўйилган экспорт режасини ортиғи билан бажаришга бел боғлашган.

Бундан ташқари, Республикада янги қуриладиган коллеж ва академик лицейларни жиҳозлаш учун хар хил турдаги лампалар қандиллар ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказиб берилди.

Корхонамизда ишлаб чиқариладиган махсуслотлар бажариш ва сифатлиги билан харидорларнинг эътиборини тортишмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорада ишлаб чиқариладиган биллур идишларнинг сони 92677 донага ташкил этилди. Бу кўрсаткич ўтган йилдагиларга нисбатан биринчи раунгга юқори. 1999 йил 90 минг дона биллур идишлар тайёрланган бўлса, 2000, 2001 йилларда ишлаб чиқариш ҳажми кескин ортиб, 2002 йилга келиб махсуслотлар сони 233 минг донага етди.

2002 йил корхонамиз томонидан республикадаги кўпчилик ташкилот ва ўкув муассасаларига 3,5 миллион сўмлик хайрия ва хомийлик ёрдами қўрсатилди. ЭКОСАН, 233-мактаб, саховат ва муруват уйлари шулар қаторида. Ишчи-хизматчиларнинг кўнгилли хордик чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Хусусан, ходимларнинг даволашлари учун корхона ҳудудида санаторий-профилакторий ишлаб турибди. Бундан ташқари, Чорвоқ суви омбори бағрида жойлашган "Баланд қирғоқ" дам оlish маскани ишчиларнинг ёз мавсумида маданий хордик олишлари учун шай ҳолатда турибди. Корхона нафақат ишчиларга, балки уларнинг фарзандларига ҳам қулайликлар яратиб берган. "Нурафшон" болалар соғломлаштириш масканида ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари ва Оролбўйи болалари ёғзи таътилини кўнгилдагидек ўтказишмоқда.

ХОНҚА ГУРУЧИ

Юқоридан кўрсатма қутиб, буйруқ асосида бир қоллида ишлайдиган жамоанинг бири икки бўлмаслиги аллақачон ўз исботини топган.

Шу боисдан "Хонқагўруч" маъсулияти чекланган жамият раҳбарлари, аввало, гуруч оқлаш заводининг йил давомида узлуксиз ишлаши учун имкон изладилар. Хатто узок бўлса-да, Сурхондарё вилоятиндан ҳам шолни келтиришди, қайта ишланди. Завод йилга 30 минг тонна шолни қайта ишлаш қувватига эга. Қабул қилинаётган ва қўшни вилоятлардан олиб келинган махсуслот эса унинг йил давомида бир маромда ишлашига етмасди. 2002 йилда улар мутлақо янгида йўсинда иш тутдилар.

Шу боисдан Хонқа туманида "Омад шолкор" шўъба корхонаси ташкил қилинди. Ишлар шолчилик-саноат узоқ йиллардан буён ўзини оқлаб келаётган усул - ижара пудрати асосида юритила бошлади. Экин майдонлари шартнома асосида 532 нафар ижарачига бўлиб берилди.

Хонқалиқлар азал-азалдан шолчиликнинг хадисини олишган, - дейди жамият раиси Бахтиёр Хонкелдиев.

Дастлабки йил натижалари чакки бўлмади, давлатга 4559 тонна "кирмизи дон" топширилди. Шундан 790 тоннаси уруғликка ажратилган. Хар бир гектар ҳисобига 45,6 центнердан махсуслот топширилди. Даромад эса 655 миллион 317 минг сўмни ташкил қилгани ҳолда хар бир ижарачининг иш ҳақи ўртача 35-40 минг сўмга тўғри келди. Муҳими, ижарачининг ҳам, корхонанинг ҳам омбори донга тўлиди.

Жорий йилда ҳам кўпроқ ҳосил олиш, фойдани кўпайтириш учун корхонада савий-харакатлар бошлаб юборилган. Фойда ҳисобига харид қилинган олти янги трактор майдонларни ўз вақтида экишга тайёрлашда қўл келди. Механизаторлардан Мадийёр Бекматов, Олимбой Собиров, Жавлон Олланазаров, Йўлдош Худойбергеновлар ҳаммасларига доимо намуна.

Шўъба корхонасида ҳам ишлар қизғинлик билан давом этмоқда. Хадемай янги трактор парки фойдаланишга топширилди. Маъмурият биноси қурилиши ҳам бошлаб юборилган. 100 бош қорамолга мўлжалланган ферманинг қурилиш лойиҳалари тайёр.

КРЕДИТГА - МАШИНА:

ҚУЛАЙ, ҲАММАБОП ВА ФОЙДАЛИ

(Боши 1-бетда) йўла тўлиқ нархини тўлаб автомобиль Кредитга машина сотишнинг яна бир

Истиқлолнинг илк автомобиллари - «Нексия», «Тико», «Дамас» кўчаларимизда лаёқат билан давомлаш бошлаб автотомолининг бу гўзал қилкатлари деярли хар бир ўзбек хонадонининг беминанат дастурга, то маънодаги ишончи ва таъянига айланб қолди.

2001 йилнинг 17 августда заводнинг қисқа вақтда барпо этилган яна бир линиясида замон талабларига ва халқор андазаларга тўла жавоб бера оладиган, хар томонлама қулай, илҳам, илғор дизайн ва техника афзалликлари билан ажралиб турадиган, бошқача айтганда, исми жисмига мос «Матиз» (яъни «роҳатхон») деб ном олган янги харидор-бонг энгил машиналар чика бошлади. Бу, воқеа ҳам кишиларимиз томонидан катта эътибор ва қизиқиш, муносабасиз айтиш мумкинки, зўр фахрланиш туйғуси билан қутиб олинди.

«УзДЭУавто» қўшма корхонасининг «Асака» банки билан биргаликдаги ташаббуси ва савий-харакатлари натижаси ўлароқ, шу йил май ойидан бошлаб Асакада ишлаб чиқарилаётган машиналаримизни юртимиздаги барча автомобиль ишчи-бозорлари банк кредитлари ҳисобига сотиш тартиби ишлаб чиқилгани ва бу ташаббуси хозирданок илҳамга олиниб бораётгани, шак-шубҳасиз, мамлакатнинг автомобиль бозоридидаги жиддий янгиликдир.

Кредитга машина харид қилиш тартибига қўра харидор автомобиль нархининг 60 фоизини олдидан тўлайди, кейин икки йил мобайнида йилга 20 фоиздан тўлаб бориш ҳисобига банкдан олган кредитини қоплайди.

Бундай ташаббуснинг афзалликлари нимада, деган савол тўғрисида табиий. Аввало, кредитга машина олиш тартибиса муайян сабаблар тўғрисида бир

ҳарид қилиш имконига эга бўлмаган кишиларимизга катта қулайлик яратди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун тегишли факт ва рақамлар билан танишиш қифоя, деб ўйлаймиз. Қуйидаги 1-жадвалда шу йил май ойида ички бозорда автомобиль сотиш бўйича эришилган натижалар тўғрисидаги маълумот келтирилмоқда:

(1-жадвалга қаранг) Кайд этилганидек, кредитга сотиш тартиби жорий этилган, май ойида мамлакатимиз ички бозоридида сотилган автомобилларнинг умумий миқдори 2694 тани ташкил этган. Бу, ўз наба-тида, ўтган ойдаги кўрсаткичдан 30 фоиз кўп, демасқад.

Айтиш жоизки, машиналарни кредитга сотиш ташаббуси, ўз-ўзидан, мамлакат банклари ўртасида соғлом рақобатни юзага келтирди. Бу эса истеъмолчи, харидор, демасқи, фуқароларимиз манфаатларига йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ўзига хос қонуняти, таъбир жоиз бўлса, ҳислатидир.

Хозирги вақтда юртимиздаги 14 та банк муассасаси ўз молия маблағларини машина сотиш учун аҳолига кредит беришга жалб этмоқда. Банкларимизнинг бу борада май ойида эришган натижалари қуйидаги 2-жадвалда яққол кўринади:

Бунда «Асака» банкнинг кўрсаткичи алоҳида эътиборга лойик экани қўриқчи турибди. Мазкур молия муассасаси кредитлари бўйича қўрсатилган мuddатда қарийб 600 та автомобил харид қилинган. Бошқа банклар кредитлари ҳисобига жами 220 тадан зиёд машина сотилган.

Table with 4 columns: N, Минтақа, 2003 йилнинг беш ойида сотилгани (донга), Шў жумладан 2003 йил май ойида сотилгани

Table with 4 columns: N, Банклар номлари, Кредитга сотилган автомобиллар (донга), Ж а м и

(2-жадвал) N Банклар номлари Кредитга сотилган автомобиллар (донга)

Table with 3 columns: N, Банклар номлари, Кредитга сотилган автомобиллар (донга)

афзаллиги шундаки, у миллий валютаимизнинг янада мустаҳкамлашишига, маблағларнинг айланishiга ижобий таъсир қўрсатади. Кишиларимизнинг машина харид қилиш имконияти энгиллаштирилгани тўғрисидаги маълумотлар жамғарган маблағлар ҳисобидан қўшма 3 миллиард сўм нақд пул мамлакат иқтисодиётига жалб этилгани бунинг далолатидир.

Кредит бўйича савдолдан тушган маблағлар жойларда бюджет ташкилот ва корхоналари ишчи-ходимларига маош тўлаш, пенсияларга нафақа бериш учун шароитларни назарда тутилса, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари кредитга машина сотиш усулини доимий эътиборда сақлаши, яттоқки, қўллаб-қувватлаши мақсадида мувофиқ экани ўз-ўзидан равшанлашади.

Хозир банк кредити ҳисобига машина сотиш бўйича Тошкент шаҳрида (1 миллиард сўмдан зиёд), Андижон (1 миллиард сўмдан зиёд), Фарғона (600 миллион сўмдан зиёд) ва Сурхондарё (500 миллион сўмдан зиёд) вилоятларида, айниқса, юқори кўрсаткичларга эришилгани эътиборга молиждир.

Бир сўз билан айтганда, Юртбошимиз таъкидлаганидек, одамларимизнинг тафаккурига, бутун вужудига ижобий таъсир этиб, халқимизнинг гурур ва ифтихорини уялтиб юборган бу замонавий корхона - «УзДЭУавто» тегишли ҳамкорлари билан биргаликда тақлиф этган ўз машиналарини кредитга сотиш ташаббуси ҳамюртларимиз учун ниҳоятда қулайлиги, ҳамма-боллиги ва фойдали экани билан тез эътибор қозонмоқда ва ҳаётга тобора илҳам таътиб этилмоқда.

Бу ташаббус, биринчи навбатда, зикр этилганидек, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга, одамларимизнинг келажакка ишончлиги янада мустаҳкамлашга қаратилгани билан хайрли, янши чоғда, кенг қўллаб-қувватлашга муносибдир.

Гулном МИРЗО, ЎЗА шарҳловчиси

АГРАР СОҲА: МУАММО ВА ЕЧИМ

(2-мақола) Деҳқончилик маданияти мазмун-моҳият жиҳатдан кўпгина агротадбирлар тизимини ўз ичига олади.

Шудгорлаш, текислаш, яқоб суви бериш, экиш, яғаналаш, қатор ораларига ишлов бериш, ўғит солиш, ер ости сувлари сатҳидан келиб чиққан ҳолда зироатларни сугориши, ғўза баргини тўктириш, йғим-терим билан Боғлик юмушларни энг мақбул мuddатларда, сифатли адо этиш учун ҳўжаликларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш талаб этилади. Хусусан, битта хайдов ёки чопиқ трактори билан қанча гектар ерда иш бажариш имкониятидан келиб чиқиб фермер ҳўжаликлари, ширкатлар керакли техника воситалари билан таъминланиши мақсадида мувофиқ, Фермерлар, ижарачилар, деҳқон ҳўжаликлари тасарруфида ўртача 50 гектар ерга битта чопиқ трактори тўри келишини таъминлаш ишларни ўз вақтида, сифатли адо этиш имкониятини яради.

Кўзда тутилган ҳосилни олиш учун ёнилги-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар меъёр ва мутаносибликда берилиши мuddатларига тўлиқ риоа қилинишига, далада ишлаётган суви, механизатор ва бошқалар моддий рағбат-лангирлишига эришиш зарур. Махсуслот этиштирувчилар билан таъминотчи, хизмат кўрсатувчилар ўртасида тузиладиган иқтисол шартномалар ҳуқуқий ҳўжжат бўлиб, уларда ўтказиладиган агротадбирларнинг бажарилиши мuddатлари қўрсатилиши, шартнома шартларининг бажарилиши кечиктирилган ҳолатларда айбдор томон жаърима тўлаши белгилаб қўйилиши керак. Соҳанинг етук мутахассислари, олимлари бу ишга жалб қилиниб, намунавий шартнома лойиҳаси тузилиб, унинг ҳуқуқий томонлари тегишли идоралар билан келишилса, мақсадида мувофиқ бўлади.

Пахта ва галлани парварилаш турли тупроқ-иқлим шароитларида 1998-2002 йиллардаги ўтказилган дала, ишлаб чиқариш тажрибаларига таъниб ишлаб чиқилган агротасвириялар асосида олиб борилиши яхши натижалар беради. Юқори ҳосил олиш учун агротадбирларни қуйидагича адо этиш таъминоти этилади. Сентаб-рининг охириг ўн кунлигида шудгордан олдин ер сугорилиб, ғўзапоядан тозаланади, фосфорли, калийли ўғитлар йиллик меъёрининг асосий қисми тупроқ остига берилади. Шудгорлаш жараёнида босона ўтлар уруғининг маълум қисми ер остида қоллишига эришилади. Бу - уларнинг қамайишига олиб келади.

Шудгордан уч-тўрт кун ўтгач, махсус чизеллардан ишлов берилади. Агар далада кесаклар кўп бўлса, дискали борона-лар билан эзилди, сўнгра кенг камро-ли длнобазларда сифатли қилиб текис-ланади. Галла экиладан бир вақтинг ўзи-да саялка грейдерларига оқунчиқлар ўрна-тилиб, сугориш учун эгат очиб кетилиди. Пахта этиштириладиган майдонларда эса мола юрилгандан сўнгра пушта оли-нади. Бу агротадбирнинг октябр-ноябрда ба-

жарилиши (шўри ювиладиган ерлардан ташқари) яхши наф келтиради. Ерларнинг кўзда экишга тайёрлаб қўйилиши баҳор-га пухта замин яратеди. Чунки, биринчи-дан, ёғин-сочин кўп юмушларни орқага суриб юборади. Иккинчидан, баҳорда нам тупроққа турли механизмларни киритиш унинг зичлигини, ҳажм оғирлигини оши-риб, зироатлар ривожланишига салбий таъсир этиди. Андижонлик миришкорлар кейинги йилларда ерларни кўзда экиш-га тайёрлаб - пушта олиб қўйиб, чигитни март ойида экишмоқда. Шунинг эъвазига август охири-сентаб-рининг биринчи ярми-да пахта тайёрлаш йиллик режасини оши-риб бажаришаётир. Сўнгра ерларни шуд-горлаб, сифатли тайёрлаб, октябр ойи биринчи ўн кунлигида галлани экиб, то совуқ тушгунча усимликнинг тўлиқ тулла-шини таъминламоқдалар. Ушбу агротад-бир ҳисобига галладан вилоят бўйича ўрта-ча 70 центнердан ошириб ҳосил олишга эришимоқдалар.

Чигитни кўзда олинган пуштага экиш-дан илгари яқоб суви бериш таъминоти эти-лади. Бунда ўша ҳўл тупроғининг тарки-би, ер ости сувларининг сатҳи ҳисобга олиниши, оби ҳаёт сарфи шу омиларга мос бўлиши, сугориш давомидаги 18-24 соатдан ошмаслиги зарур. Чигит экиш-ни Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Навоийда - 20 март - 5 апрел, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Тошкент, Фарғона во-дийси вилоятларида 25 март - 10 апрел, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятида 10-25 апрел ораллигида тупроқ-даги харорат 12-14 даража бўлганда ўт-казиш мақсадида мувофиқ, Плёнка остига чи-гит экишга минтақалар бўйича 10-15 кун эрта киришиш мумкин, бунда эътиборни тупроқнинг 10 см чуқурлигида харорат 8-10 даражада бўлишига қаратиш талаб эти-лади.

Чигитни тўлиқ ундириб олиш, дастлаб-ки пайтада яхши ривожланиши учун ки-мёвий воситалар қўланилади. Уруғликка илдиэ чириш ҳамда гаммоэ касалликла-рига қарши қўланиладиган «Витавакс-200 ФЛ» препараты билан ишлов бериб экиш, об-ҳаво ноқулайликларига қара-масдан соғлом ниҳоллар олиш таъминла-нади. Чигит сарфи меъёрлари: тузислан-тирилгани - гектарига 20-25, туқлиси 40-50 килограмм бўлгани маъқул.

Чигит тўлиқ униб чиққандан сўнгра ав-вал култивация ўтказилиб, битта-иккита чинбар қиққанда ниҳолларнинг дуркун ўсаётган соғломлари қолдирилиб, яған-лаш ўтказилади. Бу тадбирнинг кечикти-рилиши ҳосилдорлигини гектарига икки центнерга ва ундан кўп қамайишига олиб келади. Яғаналаниш сифатли ўткази-лиши ҳосил туғунчаларининг пастки ярус-ларда бўлишини таъминлайди. Бу эса кўсақларнинг асосий қисми сентабр ойи-даёқ очилишига замин қўяди.

Ж.АХМЕДОВ, Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти директори. А.АВЛИЎҚУЛОВ, Ш.АБДУЛИМОВ, бўлим бошлиқлари.

ЭТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

АСЕАН ТЕРРОРГА ҚАРШИ

Кеча Пномпень шаҳрида Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси (АСЕАН) минтақавий форумининг X сессияси бошланди.

22 давлат вакиллари иштирок этаётган ушбу анжуманда асосий эътибор терроризмга қарши курашга қаратилиб, бу борада биргаликда ҳаракат қилиш лозимлиги эътироф этилди ҳамда БМТнинг контртеррор қўмитаси фаолияти-ни кенгайтириш масаласи қўллаб-қувватланди. Шунингдек, анжуманда гиёҳвандлик савдо-си, денгиз қарқчилиги ҳамда Шимолий Кореянинг ядро дастурига ҳам эътибор қаратилди, дея хабар беради "Новости" ахборот маҳкамаси.

7 ЁШЛИ ҚИЗАЛОҚ СНАЙПЕР ҚЎРБОНИ

Иордан дарёсининг гарбий қирғоғида жойлашган Калькилия шаҳри яқинида исроилликлардан бирининг оиласи кетаётган автомобилга фаластинлик снайпер ҳўжумига йўлиққан.

Натижада 7 ёшли қизалоқ ҳалок бўлиб, унинг отаси ва 5 ёшли укаси оғир жароҳат олган. Ундан бироз аввалроқ эса Фаластин бош вазири Махмуд Аббос исроилликларга ҳўжум қилишни тўхтатиш мақсадида ХАМАС, "Ислоҳ жиходи" ва "Ал-Ақсо жабориди-далар бригадаси" вакиллари билан музокаралар ўтказган эди. Гарчи, учрашув чоғида катта бир келишувга эришилмаган бўлса-да, лекин келгуси музока-раларда ўзаро битим тузилишига умид қилиш мумкин. Шунингдек, учрашувда томонлар "Миллий бирлик қўмитаси"ни тузиш масаласини ҳам муҳокама этганлар.

РАЗВЕДКА МАЪЛУМОТЛАРИНИ ЎРГАНИШГА КИРИШИЛДИ

Кеча АҚШнинг разведка масалалари бўйича сенат қўмитаси Ироқнинг оммавий қирғин қуролилари бўйича махсус хизматлар тўплаган маълумотларни кўриб чиқишга киришди.

Республикачи сенатор Пат Роберт-сининг айтишича, сенаторлар ва улар-нинг ёрдамчилари 2 ҳафта мобайнида йўриқ эшиқлар ортида маълумотларни ўраниб чиқадилар ва яқини ҳисобот тайёрлайдилар. Американинг итти-фоқчиси саналган Буюк Британиянинг ташқи ишлар вазири Жеффри Хун эса Австралига уюштирган сафарига чоғида Ироқда оммавий қирғин қуролилари топилдишига халқоро инспекторларга ишонинишни маълум қилган.

ПХЕНЬЯН БАЁНОТНОМА ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Расмий Пхеньян агарда Вашингтон ва Токио унга қарши қамал ҳолатини (блокада) жорий этишни бош-ласа, у ҳолда Шимолий Корея АҚШ ҳамда Японияга қарши уруш бошлаши мумкинлигини маълум қилди.

Баёнотомда айтилишича, Ши-молий Корея ҳўкумати қамал ҳола-тида ўз суверенитетига нисбатан салбий таъсир қўрса, у ҳолда вази-ятга муносиб жавоб қайтаради. Шун-ингдек, Корея ярим оролида уруш юзага келса, ундан Япония ҳам чет-да қолмайди ва унга қарши ҳуруж қилинади. Хозирча Пхеньяннинг бундай чиқишга томонлар ўз му-носабатларини билдирмаган бўлсалар-да, Шимолий Корея-нинг ядровий дастури халқоро ҳамжамиятнинг асосий эъти-борида қолмоқда.

ЭНГ ҚИММАТ ШАҲАРЛАР

"Mercer Human Resource" консалтинг компанияси ўтказган йиллик тадқиқотлар натижасига қўра, Токио яшаш жиҳатдан дунёдаги энг қиммат шаҳар, дея тан олинган.

Иккинчи ва учинчи ўринларни Москва ҳамда Осака ша-ҳарлари эгаллаган. Европа шаҳарлари ўртасида эса, Москва рўйхатнинг энг юқори қисмини банд этган. Яшаш учун энг арзон шаҳар, дея Парагвай пойтахти Асунсьон қайд этилган. Тадқиқотлар вақтида хар бир шаҳарда одамларга яшаш, овқатланиш, қийинчи, транспорт, маийш хизмат каби йўна-лишлар бўйича яратилган шароитлар инобатга олинган.

ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.

ЭЗГУ НИЯТЛАР ИЖОБАТИ

(Боши 1-бетда) - Бундан ташқари, уй-жой қуришга, яқин-да йўлга қўйилган талабаларнинг таҳсил учун ҳам кредитлар беришга ҳаракат қилая-миз.

Бугун мулкчиликнинг турли қўринишлари қарор топаётган экан, уларга маблағ ажратиш, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш банк-лар зиммасидаги муҳим вазифалардан ҳисоб-ланади. Банкнинг туман бўлимида қўллаб юридик шахслар ҳисоб рақамларини очтаё-ганлигини ҳудди ана шу мақсадларни рўёбга чиқариш учун қилинаётган ишларнинг до-ими сифатида баҳолаш мумкин. Халқ банк-ини Кегайли туман бўлими жамоаси аҳоли-нинг иқтисодий, иктимойи ҳаётини яқшила-шга ўз улушини қўшиб келишмоқда. Шу йил-нинг ўтган даврида аҳоли иктимойи муҳофа-заси сифатида 16 ёшгача болали оилалари-га 85681,7 минг, кам таъминланган оилалар-га 9479,8 минг, икки ёшгача болали оналар-га 35651 минг сўм берилди.

Банклар фаолияти ҳақида гап кетар экан, "Пахта Банк"нинг Кегайли туман бўлими ҳу-сусида ҳам тўхталаниш жоиз деб топдик. Банк биносига кириб борганимизда миқозларга эътибор катта эканлигини сездик. Чунки банк биносидида алоҳида жойда "Ишбилармонлар тахтаси" ташкил этилган бўлиб, хар қандай миқоз ундан ўзига керакли маълумотларни олиш имкониятига эга. Бундан ташқари ҳу-сурий тадбиркорларга ҳисоб рақамини очиш, керакли ҳўжжатлар бўйича ҳам шундай маълумотлар бурчага тақшил этилган.

-Банкимизнинг айни пайтдаги миқозла-ри сони 375 нафарни ташкил этиб, диққат-эътиборимиз уларга янада яхши шароитлар яратишга қаратилган, - дейди туман "Пахта Банк" Кегайли туман бўлими бошқарувчи-си Ниетбой Ҳўжамбердиев. - Колаверса, фермерни, тадбиркорни бўлажак миқозлар-ни жалб қилиш бизнинг бош вазифамиз си-расига қиради. Ахир қаерда имконият, шаро-ит яхши бўлса, ўша ерда миқозлар ҳам ўз-

Дамехон МЕДЕТОВА

